# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 29 ноябрь, № 248 (8871) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Давлат раҳбарига ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда диний маърифатни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳақида ахборот берилди.**

Ўзбекистон — ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат. Конституциямизда ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланган. Минг шукрки, юртимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳити ҳукм сурмоқда. Барча дин вакиллари ибодат амалларини эмин-эркин адо этмоқда.

Охирги беш йилда диний-маърифий соҳага оид 3 та қонун, 4 та Президент фармони ва кўплаб қарорлар қабул қилинди. Йиғилишда уларнинг ижроси дин вакилларига хизмат қилаётгани қайд этилди.

Хусусан, юртимиз мусулмонлари учун шароитларни яхшилаш мақсадида 100 дан ортиқ масжидлар барпо этилди, 555 таси таъмирланди. Диний ташкилотлар учун бино қурилишига ер ажратиш тартиби жорий қилинди.

Ҳаж квотаси аввалгига қараганда 2 карра оширилди. Кейинги етти йилда 60 мингдан зиёд юртдошларимиз ҳаж амалларини бажарди. Умра сафарларини ташкил қилиш қонуний тартибга солинди.

Соҳада малака ва илм масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий тадқиқотларга замин бўлмоқда. Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, Имом Термизий ўрта махсус таълим муассасасида малакали мутахассислар тайёрланяпти. Шунингдек, 30 минг фуқаро “Қуръони карим ва тажвид” курсларини тамомлади.

Қабристонларни обод қилиш — савобли иш. Сўнгги йилларда Абу Исо Термизий, Абу Муин Насафий, Султон Увайс Қараний, Сузук ота ёдгорлик мажмуалари обод қилинди. Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва Ислом цивилизацияси марказида бунёдкорлик давом этмоқда. “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан ҳам 90 та зиёратгоҳ таъмирланиб, ободонлаштирилди.

Ислом маърифатини кенг ёйиш ва тажриба алмашиш мақсадида халқаро алоқалар ҳам кенгайтирилмоқда. Жумладан, бу йил юртимизда “Ислом — эзгулик ва тинчлик дини” ҳамда “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзуларида халқаро илмий-амалий анжуманлар, Бағрикенглик ҳафталиги ўтказилди.

Маълумки, бугун кибермаконда хавф-хатарлар кучайиб бормоқда. Чегаралар ва қонунларни тан олмайдиган интернет тармоқлари орқали радикал ғоялар ҳам кириб келмоқда. Бунинг оқибатида аҳолининг нисбатан заиф қатламлари, жумладан, ёшлар турли ноқонуний гуруҳлар таъсирига тушиб қолаётгани афсусланарли. Бутун жамоатчилик бундан огоҳ бўлиши, уламолар ва нуронийлар тўғри йўлни кўрсатиши керак.

Қўқон ва Марғилон шаҳарлари тажрибаси асосида маҳаллаларда “Оқсоқоллар ва ота-оналар кенгашлари” тузилгани бунда муҳим ўрин тутмоқда. Юртимиз ҳожиларининг “Янги Ўзбекистоннинг фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз” деган ташаббуси ҳам ижтимоий вазиятни яхшилашда ижобий қадам бўлди.

Бундай хайрли ишларни давом эттириб, маҳаллаларда маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларни илму ҳунарга чорлаш муҳимлиги айтилди. Мутасаддиларга ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни жамиятга қайта мослаштириш, бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Мамлакатимиздаги диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик доимий эътиборда бўлиши таъкидланди.

**ЎзА.**

## МЕВА-САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА УНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 ноябрь куни мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Мамлакатимизда 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган экин майдонлари бор. Уларда, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва иқтисодиёт тармоқлари учун хомашё етиштирилмоқда. Охирги йилларда пахта ва ғалла майдонларидан 260 минг гектар деҳқончилик учун ажратилган. Энди яна 104 минг гектар берилиши мўлжалланган.

Бу йил озиқ-овқат экспорти ўтган йилга нисбатан 370 миллион долларга кўпайиб, ҳозиргача 2 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистон ўрик экспорти бўйича дунёда учинчи, гилос ва шафтоли бўйича еттинчи, мош ва бошқа дуккакли маҳсулотлар бўйича ўнинчи ўринга чиқди. Биргина гилос 16 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Экспорт Қорақалпоғистон ва Жиззахда 2,2 баробар, Хоразмда 1,8 баробар ва Сурхондарёда 1,6 баробар кўпайган. Лекин айрим вилоят ва туманларда ўзгариш сезилмаган. Масалан, ери кўп бўлган Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятидаги ўсиш уларнинг имкониятига мос эмас. Бухоро ва Сирдарё вилоятларида экспорт ўтган йилдагига нисбатан камайган.

Юртимизда 5 мингдан ортиқ қишлоқ маҳалласи бор. Туман маркази ва шаҳарларда яна 2 мингдан кўпроқ маҳалладаги хонадонлар томорқага эга. Лекин атиги мингта маҳаллага кўчат тарқатилиб, маҳсулотни сотиб олувчи тадбиркор бириктирилган. 26 та туманда томорқа хизмати йўлга қўйилмаган. Баъзи жойларда деҳқонларга сифатсиз уруғ сотилгани туфайли маҳсулот йўқотилган.

Шу боис ҳар бир маҳалла, хонадон ва фермер хўжалигига Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ходими бириктирилиши белгиланди.

Томорқа ва уйлар олди, маҳалладаги кўчалар бўйи, дала чети ва каналлар атрофида 650 минг гектар ер бор. Бу ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ва дарахтлар экиш учун яхши имконият. Энди бу ерларнинг аниқ ўлчами тасдиқланиб, “Агроплатформа”га киритилади. Аҳоли ва фермерлар сифатли уруғ танлаш, дори ва ўғитни тўғри қўллаш, маҳсулотни сифатли сақлашга ўргатилади.

Бу саъй-ҳаракатни рағбатлантиришга катта енгилликлар берилади. Дала четини самарали ишлатган фермерларга тадбиркорлар рейтингида қўшимча балл ҳисобланади, ички фитосанитар сертификати бир йил давомида бепул берилади. Фермернинг барча ерлари учун ер солиғини икки йилга бўлиб тўлашга рухсат этилади. “Оилавий тадбиркорлик” дастуридаги 100 миллион сўмгача бўлган кредитлар соддалашган тизимда ажратилади. Дала четлари ҳисоби, етиштирилган маҳсулот ҳажми “e-Fitouz” портали орқали назорат қилиб борилади.

Маҳаллалардаги кўчалар ва кўп қаватли уйлар атрофида 10 миллион туп узум экиш ташаббуси билдирилди. Улар ўсиб, ҳосилга киргунча Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши барча агротехник тадбирларга кўмаклашади. Маҳсулотларни сотиб олиш учун маҳаллалар экспортчи корхоналарга боғланади.

Йиғилишда мева-сабзавотларни қайта ишлаш масаласи таҳлил қилинди.

Пишиқчилик даврида нарх тушиб кетиши оқибатида карам, лавлаги, пиёз каби маҳсулотлар далада қолиб кетяпти. Бу йил тарвузнинг ҳам катта қисми йиғиб олинмади. Ҳолбуки, эҳтиёждан ортган маҳсулотни қуритиб, кукун шаклида экспорт қилиш мумкин, бунга қандолатчилик корхоналарида талаб катта.

Экспорт йил давомида бўлиши учун “шок” усулида музлатиш технологияси самарали. Шу боис қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоят ҳокимларига келаси йил шундай лойиҳаларни ишга тушириш топширилди.

Шунингдек, 10 та агрологистика маркази, мингдан ортиқ совиткичли омборхона ташкил этилади. 40 минг гектардан ортиқ саноатлашган интенсив мевали боғ ва токзорлар барпо этилади.

Маълумки, жаҳон бозорида органик маҳсулотлар нархи 2-3 баробар қиммат. Юртимизда 10 та тумандаги 3 минг 900 гектар майдонда органик сертификат бор, холос. Андижон, Жиззах ва Хоразмда эса бундай маҳсулот етиштириладиган бирорта ер йўқ.

Ваҳоланки, сув омборлари атрофида пестицид ишлатилмайдиган 2 минг гектар ерда экин етиштириляпти. Фақат уларга органик сертификат олиниб, тоза уруғ ва кўчатлар экилса бўлгани.

Шу каби имкониятлар кўрсатиб ўтилиб, мутасаддиларга 2025 йилда органик майдонларни 10 минг гектарга, келгуси уч йилда 100 минг гектарга етказиш вазифаси қўйилди.

Энди органик майдон ташкил қилган фермер ва деҳқонларга ерни лазер билан текислаш харажати давлат томонидан қоплаб берилади. “Органик”, “Глобал Гап”, “Ҳалол”, “Кошер” каби сертификатларни олиш харажатлари учун тадбиркорларга субсидия ажратилади.

Бу йил Ўмон Султонлигининг йирик савдо тармоқларида Ўзбекистон маҳсулотлари учун алоҳида раста ажратилиб, илк бор гилос, шафтоли ва ўрик экспорти йўлга қўйилди. Буни Малайзия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Сингапур, Жанубий Корея, Япония ва Европада ҳам кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Савдо ярмаркалари ташкил қилиш, фитосанитар рухсатнома олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Умуман, ушбу чора-тадбирлар орқали келгуси йилда мева-сабзавот экспортини 3,5 миллиард долларга етказиш мумкинлиги қайд этилди.

Йиғилишда, шунингдек, атроф-муҳитни асраш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Мутасаддилар Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ахборот берди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига яна бир бор эътибор қаратилди. Бу ҳаракат доирасида ҳар йили баҳор ва кузда 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланган. Шу пайтгача вазирлик, идора ва ҳокимликлар томонидан 257 та “яшил боғ” барпо этилиб, уларнинг сони 517 тага етган.

Президентимиз бу хайрли ишда давлат ташкилотлари намуна бўлиши, қурилиш компаниялари ижтимоий масъулият олиши кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда ижро интизоми масаласи ҳам таҳлил қилинди. Йил якунигача оз қолгани, белгиланган барча вазифаларни бажариш натижадорликни ошириши қайд этилди.

Келгуси йил ҳар бир вазирлик, вилоят ва тумандаги ишларнинг тизимли ҳисоби олиб борилади. Бу электрон платформага ўтказилиб, сўров ҳам, маош ҳам шунга боғланади.

Бош вазирга ушбу тизимни йўлга қўйиб, ижро интизоми ва назоратини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Э.О.ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига мувофиқ, Эркинжон Оқбутаевич Турдимов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 28 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## А.М.БОБОЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига мувофиқ, Адиз Музафарович Бобоев Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 28 ноябрь

**Эътироф**

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ КЎРСАТКИЧЛАРИМИЗ ТОБОРА ЯХШИЛАНМОҚДА

*Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган давлат бошқарувини самарали ташкил этиш, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликни таъминлаш, аҳоли ва халқаро ҳамкорлар учун очиқ, шаффоф ва самарали муҳит яратишга қаратилган тизимли ислоҳотлар натижасида халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларимиз тобора яхшиланмоқда.*

Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида устувор халқаро рейтинг ва индексларда юртимиз ўрнини яхшилаш чоралари кўриб келинмоқда.

Хусусан, шу йўналишда олиб борилаётган ишлар мунтазам муҳокама қилиб келинади. Айни чоғда турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг устувор халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилаш мақсадига хизмат қилиши таъминланиб, бу борадаги ишлар самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилаётир.

Шунга мос ҳолда илғор халқаро тажриба асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда ташаббуслар ишлаб чиқиляпти. Натижада эса халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнимиз юқорилаб бораётгани эътиборга молик.

Жумладан, Жаҳон банкининг Статистика фаолияти самарадорлиги рейтингида 2023 йил якунларига кўра мамлакатимиз 17 поғонага кўтарилиб, 217 давлат орасида 62-ўринни эгаллади.

Сўнгги беш йилда эса юртимиз мазкур индексда 80 поғонага юксалди ҳамда МДҲ мамлакатлари бўйича 4-ўринни банд қилди.

➡ 2

**Хабар**

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИГА ЯНГИ РАҲБАР ТАЙИНЛАНДИ

*Самарқанд шаҳрида халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.*

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.

Кейинги йилларда вилоят иқтисодиёти ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Инвестиция ва тадбиркорлик муҳити янада яхшиланиб, янги тармоқ ҳамда йўналишларга асос солинди. Туризм ҳududнинг драйвер соҳасига айлантирилди. Натижада аҳолининг ижтимоий шароитлари, ҳаёт сифати юксалиб бормоқда. Йиғилишда ушбу жиҳатлар алоҳида таъкидланди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонларига асосан Эркинжон Турдимов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими лавозимидан озод этилди. У ушбу вазифада 2018 йил июль ойидан буён фаолият юритаётган эди.

Ҳисоб палатаси раиси лавозимида ишлаб келган Адиз Бобоев Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

**«Халқ сўзи».**

**Факт ва рақамлар**

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

**Сўнгги етти йил ичида амалга оширилган ислоҳотлар ЯИМнинг 2 баробар ўсишига сабаб бўлди.**



- Асосий капиталга инвестициялар ҳажми — **120** млрд. доллар.
- Бандликнинг ўсиш суръатлари — **5,6** фоиз.
- Меҳнат унумдорлиги — **25** фоиз.

ЯИМ ҳажми **100 млрд.** долларни ташкил этиб, жаҳондаги энг йирик **60 — 70 та** иқтисодиётлар қаторига кирди. Бугунги кунда мамлакатимиз дунёда ўзининг мавқеига эга бўлган иқтисодий ҳамкор сифатида танилди.

*Манба: Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази.*

## ВАТАН ВА ВИЖДОН

*Инсонга ота-она ва Ватанни танлаш имконияти берилмаган. Дунёга келган ва киндик қонимиз тўкилган манзил — Ватан ҳисобланади.*

*Худди ота-онани норизо этиб бўлмаганидек, Ватанни ҳам ёмонотлиқ қилишдан сақланиш керак. Ватан мустамлака ёки мустақил бўладими бунинг аҳамияти йўқ. У барибир муқаддаслигича қолаверади.*

### Бедор ўй

Ислом таълимотида ота-она каби Ватан ҳам улуғланади. Мусулмон киши Ватанга нисбатан турли бўҳтонлар, гина-кудуратлар, норозиликлар билдиришдан қайтарилади.

***Марҳум шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг мураккаб ҳаёт йўли ҳам бунга ёрқин мисол. У киши вазият тақозоси билан бир неча йиллар хорижда яшашга мажбур бўлади. Дунёга машҳур уламо мусофирликда ўтказган кунларида Ватанимиз ҳақида бир оғиз ҳам салбий фикр билдирмайди. Ҳатто бунга чақирилса-да, кескин рад жавобини беради. Бу олимнинг иши эмаслигини қатъий билдиради. Синовлар ортда қолиб Ватанга қайтиш имконияти пайдо бўлиши билан юртни ихтиёр этади. Ватандошлари билан ёруғ юз ила дийдор кўришади. Мана, ибрат! Мана, виждон ва имон!***

Инсон ҳаёти турли синовлардан, баланд-пастликлардан иборат. Нима бўлганда ҳам, ота-она ва Ватан номига эҳтиёткорона ёндашиш зарур.

Бир ўйлаб кўринг, ота-онаси ва Ватанидан кечган, нолиган одамдан нима кутиб бўлади? Бундайлар учун муқаддас яна нима бор?

Назаримда, қандай аҳволга, вазиятга тушишимиздан қатъи назар, аввало, Яратгандан, кейин Ватандан, ота-онадан норизо бўлишга ҳаққимиз йўқ. Аллоҳ барчамизни бундай юзи қораликдан асрасин.

Хизмат тақозоси билан хорижда кўп бўлишга тўғри келади. Тўғрисини тан олиш керак, қандай яхши шароитда бўлишимиздан қатъи назар, кун санайман. Тезроқ она юртга қайтишга интиламан.

Ҳаёт бор экан, муаммолар, камчиликлар бор. Аслида уларни бартараф этиш ҳам ўзимизнинг қўлимизда.

Ватан айбдор эмас.

Адолатсизлик нималигини, унинг юки қанчалик оғир эканини биз сингари катта авлод вакилларидан сўраш керак. Ўз танамда синаб кўрганман. Лекин Ватанимга бўлган муҳаббат ҳеч қачон сўнмаган.

***2016 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев инсон қадри деган бебаҳо неъматни бизга қайтариб берди. Тупроққа тенг бўлган қадр. Топталган қадр. Тушовланган қадр. Хўрланган қадр... Жамиятдан чиқариб юборилганлар, яккаланганлар, ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлганлар, додини кимга айтишни билмай юрганлар ярасига малҳам қўйди.***

Оғир, қийин даврларда ҳам Ватан, ота-она каби улуғ туйғуларни қалбимизнинг энг тўрига жойлашимиз зарур. Ватан олдидаги бурч ва масъулият абадий қолади. Аждодлардан авлодларга ўтади...

Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” романида “Олтовлон ва еттинчи” номли ҳикоя келтирилади: “Кўп ўтмай ҳаммамиз бегона юртларга тарқалиб кетамиз. Пешонада борини кўрамиз. Келинглар, она Еримиз билан, нону тузимиз билан хайрлашайлик. Видолашгач, ҳар ким ўз йўлига кетади. Биз ўзимиз билан тариқча нарса олганимиз йўқ. Ватанни олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинч ва армонларимизни олиб кетамиз...”

➡ 3

Сенат қўмитасида

# ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?



*Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.*

*Унда ташаббусли бюджет жараёнларида ғолиб деб топилган лойиҳалар вақтида амалга оширилиши ҳолатини ўрганиш натижалари юзасидан масъул вазирлик ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.*

Қайд этилганидек, ташаббусли бюджет жараёни такомиллаштирилиб, "Бир фуқаро — бир овоз" тамойили йўлга қўйилди. "Менинг йўлим" лойиҳаси эса ташаббусли бюджет жараёни биринчи мавсуми билан қўшиб ўтказилиши белгиланди.

Жорий йилда ташаббусли бюджет жараёнлари учун ажратилган умумий маблағлар миқдори 5,7 трлн. сўмни ташкил этган ва 2023 йилдагига нисбатан 1,2 трлн. сўмга ёки 26 фоизга ошган.

Йилнинг икки мавсуми давомида "Очиқ бюджет" порталига фуқаролар томонидан келиб тушган 63 мингдан ортиқ лойиҳалардан 52 мингдан зиёди, яъни 83 фоизи туман ишчи комиссиялари томонидан овоз бериш жараёнига ўтказилган ва овоз бериш якунига кўра 5,6 трлн. сўмлик қарийб 4,8 мингта лойиҳа ғолиб деб топилган. Уларнинг 1686 таси ички йўлларни ва 1446 таси мактабларни таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳаларидан иборат.

Амалдаги тартибга киритилган ўзгаришларга кўра халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари қарорига асосан туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча маблағлари ҳисобидан 56 та лойиҳа учун қўшимча равишда маблағ ажратилиб, ғолиб сифатида эълон қилинган.

Мажлисда ташаббусли бюджет жараёнларини амалга оширишда айрим муаммо ва камчиликларга йўл қўйилгани ҳам айтиб ўтилди.

Хусусан, Зарафшон шаҳридаги аэропорт бино ва иншоотларини ҳамда Шаҳрихон туманидаги Беруний истироҳат боғида 42 метр баландликдаги Чархпалак ўйингоҳини қуриш лойиҳалари тадбиркорлик хусусиятига эга бўлишига қарамай, овоз бериш босқичига ўтказилгани ва улар энг кўп овоз олган ҳолда ғолиб деб топилгани жиддий танқид қилинди.

Ташаббусли бюджет жараёнларида овоз йиғишга мажбурлаш ҳолатлари юзасидан "1282" ишонч телефони рақамига 74 та шикоят келиб тушгани ва ушбу ҳолатлар юзасидан таъсирчан чоралар кўриш кераклиги уқтирилди.

Шунингдек, мажлисда 2024 йилги ташаббусли бюджет жараёнларининг биринчи мавсуми доирасида ғолиб деб топилган 993 та лойиҳа бўйича қурилиш ва харид қилиш ишлари ҳанузгача давом этаётгани юзасидан масъул раҳбарларнинг ахборотлари эшитилди.

Мажлис якунлари бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ КЎРСАТКИЧЛАРИМИЗ ТОБОРА ЯХШИЛАНМОҚДА

←1

Мазкур индексда мамлакатимизнинг статистик салоҳияти, эришаётган ютуқлари ва миллий статистика тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижалари акс эттирилган.

Миллий статистика тизимига сифатни бошқаришнинг илғор усуллари кенг жорий этилди ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари глобал индикаторлари асосида Миллий БРМ индикаторлари шакллантирилди ва у доимий эълон қилиб борилмоқда. Миллий ва хорижий фойдаланувчилар учун расмий статистика маълумотларининг максимал даражада очиқлиги ҳамда шаффофлиги таъминланди, жумладан, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари халқаро статистик тўпламларда ва маълумотлар базаларида акс эттирилди. Ўзбекистонда миллий ҳисоблар замонавий тизими амалиётга татбиқ қилинди. Албатта, бу омиллар 2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистоннинг мазкур индексда кўтарилишига замин яратди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур йўналишдаги ишларни тизимли давом эттириш ҳамда мамлакатимизнинг ушбу рейтингдаги ўрнини янада яхшилаш мақсадида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши томонидан истиқболдаги аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ВА АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

*Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги қўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларидаги нутқларидан келиб чиқиб, амалга ошириши зарур бўлган вазифаларни белгилаб олишмоқда.*



**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси** йиғилишида экологик масалалар, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, экологик маданиятни юксалтириш, Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТ резолюцияларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Экология соҳасида қонунчилик талаблари ижросини таъминлашда давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини кучайтириш ҳар бир депутатнинг қатъий вазифасига айланиши лозимлиги айтиб ўтилди. 2025 йилни юртимизда "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили", деб эълон қилингани масъул қўмита аъзолари олдига муҳим вазифаларни қўйиши таъкидланди.

Депутатларнинг қайд этишича, келгуси йилнинг бундай номланиши "яшил" ғояларни рўёбга чиқаришда янги имкониятлар яратади.

Мунозараларда экология соҳасига оид саъй-ҳаракатларни амалга оширишда тегишли вазирликлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришни янада кучайтириш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, қўмита томонидан устувор вазифаларни ўз ичига олган режа лойиҳаси атрофлича муҳокама этилиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси** йиғилишида қишлоқ хўжалигининг барча тармоғи, аввало, мева-сабзавотчиликни интенсив ривожлантириш, янги уруғ навларини яратиш орқали импортни 50 фоизга қисқартириш бўйича дастурлар ижросини таъминлашда депутатлик корпуси олдида муҳим вазифалар борлиги қайд этилди. Бунинг натижасида муайян ютуқларга эришилади. Яъни қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш, соҳада экспорт ҳажми 10 миллиард доллардан иборат бўлиши таъминланади.

Депутатлар бугун дунёда экологик вазият ёмонлашиб, табиий офатлар ва қурғоқчилик кўпайиб бораётган бир пайтда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тежамкор технологияларни кенг қўллаш, сувни иқтисодиётнинг барча тармоғи, айниқса, қишлоқ хўжалигида самарали ишлатиш масалаларида ҳам фикр алмашдилар.

Давлатимиз раҳбарининг келгуси йилда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун 5 трлн. сўм, каналларни бетонлаш учун 800 млрд. сўм йўналтирилишига оид таклифи долзарб экани эътироф этилди. Ўтган йилда 550 километр канал ва ариқлар бетонлангани эвазига 200 минг гектарда сув яхшилангани белгиланган вазифаларнинг нечоғли муҳим эканини кўрсатади.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишда депутатлар ўз округларида фаол иштирокчи ва тарғиботчи бўлишига оид аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси** йиғилишида фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш мақсадида ҳар бир қўмита қошида уларнинг вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашларини тузиш, фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида эса қуйи палата ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссияси ташкил этиш масаласи муҳокама марказида бўлди.

Қўмита аъзолари томонидан парламент дипломатиясини янада ривожлантириш, бунда қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш, иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва "яшил" иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича парламент комиссияларини ташкил этишга оид таклифлар илгари сурилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг нутқларидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш, уларнинг таклиф ва ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Ижтимоий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўналишларида назарда тутилган устувор вазифалар юзасидан депутатларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди ҳамда қўмитанинг келгуси беш йиллик фаолиятига доир "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш белгилаб олинди.

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг қуйи палатадаги фракцияси** қўшма йиғилишида партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган қатор ғоялари, жумладан, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар ва хиёбонларни хусусийлаштиришни тақиқлаш бўйича қатъий позицияси мамлакат раҳбари томонидан эътироф этилгани қайд этилди.

Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси яқинда қуйи палата ялпи мажлисида қизғин муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилингани айтиб ўтилди. Депутатларнинг фикрича, халқимизнинг маданий ҳордиқ олиши учун хизмат қилувчи хиёбонлар ва истироҳат боғлари умумхалқ аҳамиятига эга масканлар сифатида авлоддан-авлодга бус-бутун ҳолда етказилиши керак ва уларни хусусийлаштиришга йўл қўймаслик лозим.

Йиғилишда партиянинг дори-дармонлар устидан назоратни кучайтиришга оид ташаббуслари ҳам муҳокама қилинди. Бу йўналишда ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг дори-дармонлар нархи ва сифатидан қониқишини таъминлаш учун аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, келгусида партия ва унинг фракцияси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди. Қонунчилик ташаббусларини тизимли амалга ошириш, парламент назоратини кучайтириш, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби йўналишларда аниқ кўрсатмалар берилди.

Якунда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар асосида аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

Семинар

# Маҳаллий Кенгашлар иштирокидаги муҳокама

*Олий Мажлис Сенатида Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида семинар ташкил этилди.*

Унда "2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Иштирокчилар томонидан Давлат бюджети ўрта муддатга мўлжалланган прогноз параметрлари ва 2025 йил учун бюджет лойиҳаси "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган мақсадларга мос равишда ишлаб чиқилгани алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, 2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети ҳамда 2026-2027 йиллар учун мўлжаллар, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнозлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари, харажат прогнозлари ва маҳаллий бюджетларга ажратилаётган тартибга солувчи трансфертлар ҳажмлари қонун лойиҳасидан ўрин эгаллаган.

Қонун лойиҳасида 2025 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 6 фоизга ўсиши прогноз қилинган.

Қолаверса, сенаторлар томонидан қонун лойиҳасида йиллик бюджетни шакллантиришда "Натижага йўналтирилган бюджет" тизими ҳамда "Яшил бюджетлаштириш" тамойилларини изчил жорий этиш белгиланганига ҳам тушунтириш берилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш жараёнида инобатга олиниши лозим бўлган жиҳатларга эътибор қаратилди.

Семинарда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари эшитилди ҳамда уларга зарур тавсиялар берилди.

# Ёшларни гиёҳвандлик гирдобидан чиқариб олиш – кечиктириб бўлмайдиган вазифа

*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати билан ҳамкорликда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддалар истеъмолининг олдини олишга қаратилган жамоатчилик эшитуви ўтказилди.*

## Эшитув

Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вазирлик ва идоралар масъуллари, жамоатчилик вакиллари, Ёшлар парламенти аъзолари қатнашди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида гиёҳвандлик моддаларининг истеъмол қилиниши нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун долзарб муаммога айланиб улгурди. Биргина 2019 — 2023 йилларда юртимизда гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг 22 — 25 фоизи ёшлар томонидан содир этилгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган 8 ойида эса 33,4 фоизни ташкил қилган.

Тадбир давомида ички ишлар органлари томонидан 2021 — 2023 йилларда бундай дори воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича зарурий чора-тадбирлар кўрилгани, натижада 13,8 тонна гиёҳвандлик воситалари мусодара қилингани айтиб ўтилди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги вақтларда онлайн платформалар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний савдоси учун қулай ахборот майдонига айланмоқда. Масалан, интернет маконида гиёҳвандлик воситаси ва психофаол моддалар савдосига ихтисослаштирилган 52 та ахборот манбаи аниқланган. Уларнинг 14 таси веб-сайтларда, 38 таси телеграм мессенжери орқали фаолият юритган. Телеграм мессенжерида шу мазмунда 38 та ахборот манбаи аниқланган. Уларнинг умумий фойдаланувчилари 119 минг нафардан кўпроқ экани эса жуда ташвишлидир.

Эшитув давомида мутасаддилар томонидан бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар ва кўрилаётган чоралар ҳақида ахборот берилди.

Шунингдек, жамоатчилик вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиш имконига эга бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# Ҳудудларнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятларини ҳисобга олиш зарур

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ҳамкорлигида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзолари учун ўқув семинари ўтказилди.*

Ушбу тадбир парламент юқори палатаси томонидан маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари аъзоларининг соҳага оид қонунчиликдаги янгиликлар, ўзгаришлар бўйича билим ва кўникмасини ошириш, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

Семинарда Сенат ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг олдида турган долзарб вазифалар кўриб чиқилди ва муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, соҳага оид қонунларни кўриб чиқишда маҳаллий Кенгашлар депутатларини жалб қилиш ҳамда уларнинг фикрини олиш, қонунларни қабул қилишда ҳудудларнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятларини ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар ва доимий комиссиялар фаолиятини янада ривожлантириш, қўмита ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти устидан назоратни кучайтириш кераклиги урғуланди.

Семинарда ирригация ҳамда суғориш тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ҳудудий дастурлар бажарилишини назоратга олиш, яшил қопламалар — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш, дарахтларни экиш, парваришлаш ва улар ноқонуний кесилишининг олдини олишда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ – ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ АСОСИ

*Мамлакатимизда ўтган ҳафта сиёсий воқеликларга бой бўлди. Яъни Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ вакиллари — парламент аъзолари билан уч маротаба учрашиб, мамлакатимиз тараққиётига оид ҳаётий муҳим масалалар юзасидан мулоқот қилди. Мазкур мулоқотларни, парламент аъзолари билан муҳокама этилган барча ташаббус ва режаларни, уларда илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифаларни, моҳият эътиборига кўра Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатномаси бўлди, дейишимиз мумкин.*

## Муносабат



Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида қуйи палатанинг келгуси беш йилликдаги энг устувор вазифалари юзасидан қайд этиб ўтган муҳим ташаббус ва халқчил таклифлари мамлакатимиз парламенти фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Юртбошимиз нутқи биз, халқ вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Давлатимиз раҳбари барча сиёсий партияларнинг муҳим ташаббусларини қўллаб-қувватлаган ҳолда уларни қонун билан мустаҳкамлаб, амалиётга жорий қилиш учун катта куч-ғайрат билан ишга киришиш лозимлигини таъкидлади. Шубҳасиз, барча сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик корпуси вакиллари келгуси беш йилда қонунчилик ташаббуси ва парламент назорати ҳуқуқларидан самарали фойдаланиб, сайловолди муҳим ташаббусларни рўёбга чиқаришда жамиятдаги ўзгаришлар ва талабларга мос равишда янада фаол иш олиб боради. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг сиёсий тизимидаги шаффофликни таъминлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда аниқ ҳамда самарали қонунлар ишлаб чиқиш ва жамиятнинг барча қатлами манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Маълумки, парламентнинг асосий вазифаларидан бири, бу — қонун ижодкорлиги. Қонунчилик палатаси томонидан ўтган беш йилда 130 дан ортиқ янги ва яхлит қонунлар қабул қилинди. Бу олдинги даврдагига нисбатан 1,5 карра кўпдир. Айни пайтда тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунлар улуши камлигича қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, келгуси беш йилда биз, парламент аъзолари сифатли ва аниқ ижро механизмларига эга бўлган қонунлар ишлаб чиқишга, уларнинг ижросини назорат қилиш тизимини кучайтиришга ва қонун ижодкорлиги жараёнига фуқароларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада Президентимиз таклиф қилганидек, фуқаролар ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссияси ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари қонун ижодкорлиги жараёни, аввало, жамиятимиздаги долзарб муаммолар ечимига, халқимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилиши кераклигини алоҳида қайд этди. Демак, аҳоли ва кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиб, муҳим ижтимоий аҳамиятга оид қонунларни қабул қилишга асосий эътиборни қаратишимиз зарур. Хусусан, эскирган уйлар ўрнида замонавий кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун "Реновация тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш бугунги кунда долзарбдир. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши 20 минг гектар ер майдонини тежаб, 4,5 миллион аҳолини уй-жой билан таъминлаш имконини беради.

Яна бир қатор белгилаб берилган ҳаётий муҳим масалалар — мажбурий тиббий суғурта тизимини қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш, хусусий мактаб ва боғча қурмоқчи бўлган инвесторларни қўллаб-қувватлаш, франчайзинг, капитал бозори, стартаплар соҳасидаги, сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунларни қабул қилишга аҳамият қаратишимиз мақсадга мувофиқдир.

Бу борада Қонунчилик палатаси томонидан келгуси беш йилда янги қонунлар устида ишлашни аниқ белгилашга қаратилган пухта ўйланган дастур қабул қилиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг "Депутат — бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир" дея таъкидлагани халқ вакилларига аҳоли манфаатларини доимо устувор қўйиш, қонун ижодкорлигида фаол иштирок этиш, сайловчилар билан мунтазам алоқада бўлиш каби муҳим вазифаларни самарали олиб боришда юксак масъулият юклайди.

Маълумки, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 млрд. долларга етказиш каби эзгу мақсад қўйилган. Ҳукумат томонидан ўз вақтида зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани, барча имконият ишга солингани туфайли бу йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулот ҳажми 110 млрд. долларга етиши кутилмоқда. Жаҳон банки 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти энг тез ўсаётган учта давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Камбағаллик даражаси сўнгги тўрт йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Бу йил яна 106 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, 9 фоизга тушиши кутилмоқда.

Биз, парламент вакиллари Ҳукумат билан биргаликда келгуси беш йилликда фаол иш олиб бориб, ислоҳотлар шиддатини пасайтирмасдан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётимиздаги ўзгаришларни жадал давом эттиришимиз мақсадга мувофиқдир.

Ушбу жараёнда атроф-муҳит ҳимоясига, "яшил" иқтисодиётни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан 2025 йилни юртимизда "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили", деб эълон қилинишида катта маъно бор. Бу йил экологик муаммоларни бартараф этиш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш бу борада қонунчиликни такомиллаштириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш каби муҳим вазифаларни белгилаб беради ва мамлакатимизнинг халқаро майдонда экологик масалалар бўйича ташаббусларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Давлат раҳбари масъулият ва жонкуярлик билан тинчликнинг нақадар зарурлигини яна бир бор урғулар экан, бу аввало, элимиз, Ватанимиз, қолаверса, минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айниқса, дунёда экологик ва техноген фожиалар, қочоқлар муаммолари тобора кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлангани барчамизни масъулиятли бўлишга чақиради. Бу каби салбий ҳолатларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кузатяпмиз. Бундай шароитда юртимизда тинчликни сақлаш, кескин вазиятда кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда депутатларнинг масъулияти алоҳида қайд этилгани ҳам амалий, ҳам маънавий аҳамиятга эга.

Албатта, биз, халқ вакиллари бундай вазиятга объектив баҳо беришни, унинг барча жиҳатини ватанпарварлик руҳида ҳис этиш ҳамда шунга мос қонунчилик фаолиятимизни йўлга қўйишни кун тартибимиздаги муҳим вазифага айлантирамиз. Шу билан бирга, сайловчиларимиз ва кенг жамоатчилик орасида, айниқса, ёшларимиз билан мулоқотлар олиб борганда миллий манфаатларимиз учун нима яхшию, нима ёмон эканини англатишимиз зарур.

Барчамиз Президентимизнинг янада огоҳ ва ҳушёр бўлиш, сиёсий ирода ва маданиятимизни янги босқичга олиб чиқиш, тинчтотувликни, халқимиз осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ғоялари атрофида бирлашиб, иш олиб боришимиз керак. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз.

**Мавлудахон ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

**Кекса ёшдаги фуқароларни спортга жалб қилиш учун ҳар бир маҳаллага йилига 10 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилади.**

# ВАТАН ВА ВИЖДОН

1 Олтовлон ва еттинчи гарчи Ватандан айро тушаётган бўлса-да, унинг муқаддаслигига дахл қилмайди. Ватан бизни сиғдирмади, демайди. Улар на Ватанидан, на ватандошларидан нолишади. Балки мардларча қарор қабул қилишади. Шу кичик бир эпизодда ҳам олам-олам маъно мужассамлашган.

Ватандан ташқарида Ватан йўқ. Инсоннинг ота-онаси ҳам, Ватани ҳам ягона бўлади. Бу борада баҳслашиш ярамайди.

Мен Ватани ҳақида бўлар-бўлмас гаплар тарқатаётганларга ачинаман. Кимларнидир ноғорасига ўйнаётганлар ожиз, нотавон кимсалардир.

Ватани ҳақида бир нохуш хабарни кутаётганлар, она юртининг муаммоларини ошкор қилаётганлар, туғилиб ўсган ери тўғрисида турли иғво ва бўҳтонларни бор овози билан айтаётганлардан ҳазар қиламан.

Ватан сўзи билан виждон сўзи ёнма-ён қўйилиши, бирга туриши зарур. Ватан ҳақида гапираётганингизда виждонингизни ўртага қўйинг. Аждодларингизни, авлодларингизни тавқи лаънатга қолдирманг.

Бу Ватан кимларни кўрмаган. Кимлар ўтмаган бу заминдан. Лекин она тупроқ мангу қолган.

Улуғ аждодларимиз меросини ўрганаётган олимларимиз, уларни ўз Ватани ҳақида ёмон фикр билдирмаганликларига эътибор қаратади. Гарчи, қанчадан-қанча улуғларимиз Ватандан узоқда, ўзга юртларда яшаган бўлса-да, баъзилари бегона тупроқларда қолиб кетса-да, доим Ватанини улуғлаган, Ватанини қўмсаган, соғинган. Бунга кўҳна тарихимизда мисоллар жуда кўп.

Ҳар қандай гуноҳни кечирса бўлади. Фақат Ватан ва ота-она олдида қилинган гуноҳдан ташқари.

Бу ҳақиқат машҳур кинорежиссёр, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Зулфиқор Мусоқовнинг "Ватан" фильмида ҳам яққол намоён бўлган. Ушбу фильмда ўғил отасига савол беради: *"Сизга нима берди Ватанингиз? Шу Ватанингизни деб, ўз номингиздан, ота-онангиздан, уй-жойингиздан, севган ёрингиздан айрилдингиз. Бутун ҳаётингиз барбод бўлди. Ватан деб жанг қилдингиз, қон тўкдингиз, азоб чекдингиз. Хўш, Ватанингиз нима берди сизга?"* Шунда ота жавоб беради: *"Ватан ҳам онадай, ундан таъма қилиш гуноҳи азим. Ватан — мана бу мовий осмон, мана бу ер, мана бу оқиб турган сой, мана бу кенг дала..."*

Мазкур фильмни ҳар гал кўрганимда кўзимга ёш келади. Ватан ҳақидаги тасаввурларимдан кўнглим тўлмайди.

Эл-юртни яхши кўрмасдан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Унинг севгиси илҳом беради, куч беради, қанот беради кишига.

Ватан биздан эмас, биз Ватандан қарздормиз.

Хорижга бориб билим олиш, тажриба алмашиш муҳим. Ўрганган илмларимизни эса Ватан равнақи, тараққиёти йўлида сарфлашимиз зарур.

Бой Ватанни, гўзал Ватанни, фаровон Ватанни орзу қиламиз. Лекин уни ким яратиши керак?! Албатта, биз.

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев хорижда ишлаётган қанчадан-қанча юртдошларимизни Ватанимизга чорлади. Уларни муносиб иш, етарли маош билан таъминлади. Бунинг натижасида илм-фанимизга хорижнинг илғор ютуқлари бевосита кириб келди. Қисқа вақтда улар ўзларининг илмий мактабларини ҳам яратишга киришди. Четдан қайтиб келганларни рағбатлантириш тизими пайдо бўлди. Бундан Ватанимиз ҳам, ватандошларимиз ҳам ютди, деб ҳисоблайман.***



Ҳар бир инсон тақдир ҳукми билан қаерда яшашидан қатъи назар, унинг қалбида Ватани бор. Ватанига бахшида этадиган меҳри бор, муҳаббати бор. Фарзандлик бурчи ва вазифалари бор.

> ***"Улуғ аждодларимиз меросини ўрганаётган олимларимиз, уларни ўз Ватани ҳақида ёмон фикр билдирмаганликларига эътибор қаратади. Гарчи, қанчадан-қанча улуғларимиз Ватандан узоқда, ўзга юртларда яшаган бўлса-да, баъзилари бегона тупроқларда қолиб кетса-да, доим Ватанини улуғлаган, Ватанини қўмсаган, соғинган. Бунга кўҳна тарихимизда мисоллар жуда кўп."***

Бизнинг яқин ҳамкоримиз — Калифорния университети профессори, биология фанлари доктори, Нью-Йорк фанлар академияси, Америка ҳужайра биологияси, микробиологлар ҳамда халқаро ОИТС жамиятларининг аъзоси, асли ўзбекистонлик Шароф Тугизовнинг ҳаёт йўли ҳам бунга мисол бўла олади. У 35 йилдан бери АҚШда яшайди. 2023 йилда Самарқанд давлат университети талабалари ва уларнинг ота-оналари учун "Ўзингизга ишонинг" номли фильм тайёрланди. Кинокартинада оддий оиладан чиқиб, билим, таълим олиш орқали юқори натижаларга эришган қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли акс эттирилган. Мазкур фильмни тайёрлашда Шароф Тугизов билан алоқа ўрнатдик. Бугунги кунда олим биз билан ҳамкорликда катта илмий лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Самарқанд давлат университети профессори, кимё фанлари доктори, "Шуҳрат" медали соҳиби Хуршид Бозоров Хитой Фанлар академиясининг Шинжон техника физика-кимё институтида 10 йилга яқин ишлади. У 2022 йили Самарқандга қайтиб келди. Катта маош, қулай шароитни ташлаб, Ватанга интилди. Билим ва кучини мамлакатимиз ривожига бағишлашга аҳд қилди. Унинг ташаббуси билан Самарқанд давлат университетида саратон касаллигига қарши дори воситалари яратиш лабораторияси ташкил этилди. Мазкур амалий лойиҳани бажариш учун Инновацион ривожланиш агентлигининг 8 миллиард сўмлик гранти қўлга киритилди. Бугунги кунда 4 нафар хитойлик олим ушбу лабораторияда ҳамкорликда тадқиқот олиб бормоқда. Шунингдек, қатор давлатлардан келган ҳамкорлик таклифлари ўрганиляпти. Етти нафар самарқандлик тадқиқотчилар PhD ва DSc диссертацияларини ҳимоя қилиш учун илмий изланишларини давом эттирмоқда.

Жаҳоннинг энг машҳур физик олимларидан бири, асли ўзбекистонлик Анвар Зоҳидов АҚШ фуқароси. 30 йилдан буён Америкада яшайди. Америка физика жамияти аъзоси, Далласда жойлашган Техас университети қошидаги Нанотехнология институти директори ўринбосари, ITMO университети гибрид нанофотоника ва оптоэлектроника лабораторияси ҳамраҳбари...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармонига биноан 2023 йилда Анвар Зоҳидовга "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" унвони берилди. Бундан руҳланган олим худди шу йилдан Самарқанд давлат университетида ташкил этилган Марказий Осиёда ягона бўлган Квант марказига илмий раҳбарлик қилмоқда.

***Анвар Зоҳидов раҳбарлигидаги Самарқанд давлат университети Квант маркази ходимлари жорий йилнинг август ойида Жаҳон банки MUNIS фондининг 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги WB BIRD ҳамда ноябрь ойида 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги PRIM грантини қўлга киритди.***

Анвар Зоҳидов Самарқанддаги суҳбатларимиздан бирида шундай деган эди:

— Мен ўттиз йил давомида Ватан соғинчи билан яшадим. Қаерда бўлсам ҳам, қалбим Ўзбекистонда эди. Она юртимни жон дилимдан яхши кўраман. Тақдир экан, анча йиллар хорижда яшадим. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ватанпарварлиги, миллатпарварлиги, илмпарварлиги, меҳри мени яна қайта Ўзбекистонга олиб келди. Онадан янги туғилгандай бўлдим. Аллоҳ қанча умр берса, Ватанимга хизмат қиламан. Ватаним олдидаги фарзандлик бурчимни ўтайман. Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистонида илм-фаннинг улкан кашфиётлари яратилишига ишонаман...

Мақоламизни бежиз "Ватан ва виждон" деб номламадик. Назаримда Ватан ҳақида ёзаётганимизда, гапираётганимизда ўртада, албатта, ВИЖДОН туриши керак.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Самарқанд давлат университети ректори,**
**Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИЛАДИ

*Бугун Самарқанддаги Халқаро туризм марказида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га аъзо давлатларнинг монополияга қарши қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатларини биргаликда бартараф этиш бўйича штабининг 43-йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги муҳим мавзулар рақобатга қарши келишувларнинг олдини олиш, нархларни тартибга солиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

## Анжуман

Анжуманда Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон делегациялари қатнашди. Иштирокчилар МДҲ мамлакатлари монополияга қарши қонунчилигининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Халилулло Тўрахўжаев штаб доирасидаги ҳамкорликнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиб, МДҲга аъзо давлатлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик глобаллашув таҳдидларига тезкор жавоб бериш имконини бериши ва давлатлар ўртасидаги ишонч мустаҳкамланишини таъкидлади.

Йиғилиш иштирокчилари МДҲ мамлакатларида рақобат қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш бўйича замонавий ёндашувларни, шу жумладан, рақобат соҳасидаги қоидабузарликлардан жабрланганларнинг фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва нархларни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий жиҳатларни муҳокама қилди. Шунингдек, тадбирда маркетплейс платформаларининг шаффофлигини ошириш ва аксилмонопол комплаенс тизимларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳар бир давлат делегацияси ушбу чораларнинг қўлланилиши бўйича ўзаро тажриба алмашди. Ўзбекистон делегацияси ноқонуний маҳсулотларни сотишга жавобгарликни кучайтиришни таклиф қилди ва бу иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилиш доирасидаги ташаббуслар МДҲ мамлакатларида рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган келажакдаги қарорлар учун асос бўлади.

29 ноябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг монополияга қарши сиёсат бўйича давлатлараро кенгашининг 57-мажлиси бўлиб ўтади.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Биз ва табиат

# «Касаба уюшмалари боғи» яшнамоқда

*Мамлакатимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар кенг қулоч ёйиб, барча ҳудудда кўплаб мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экиляпти. Бу эса юртимизда яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириб, янги боғлар ташкил этилишида муҳим ўрин тутмоқда.*



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам бундай хайрли тадбирларнинг фаол иштирокчиси бўлиб келаётир. Бунга жорий йил бошида Федерация томонидан Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳридаги "Қумариқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган "Касаба уюшмалари Федерацияси боғи" ёрқин мисол бўла олади.

— Аввало, пухта тайёрланган лойиҳага кўра жами 5,5 гектарлик майдонда тегишли агротехника талаблари асосида ерга ишлов берилиб, дастлабки босқичда 5600 дан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Боғдаги ниҳолларни парваришлаш, ўз вақтида тўғри суғориш, табиий ўғитлар билан озиқлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтқазилган кўчатларнинг деярли барчаси туп қўйиб, кўкаришига эришилди.

Маълумотларга кўра ўтган қисқа вақт ичида "Касаба уюшмалари боғи" ҳудудига янги ниҳолларни ўтқазиш, мавжудларини меҳр билан парваришлаш бўйича кенг қамровли тадбирлар самараси ўлароқ бугунги кунда боғдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари сони 18 875 тага етган.

Қолаверса, боғ ҳудудига 4,3 мингдан ортиқ гул кўчатлари ва бутасимон ўсимликлар ҳам ўтқазилди. Шу тариқа қисқа вақт ичида кенг майдонда инсон кўзини яшнатиб, баҳридилини очувчи яхлит гўзал манзара ҳосил қилиниб, яшилликнинг бетакрор симфонияси яратилди.

Куни кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан "Касаба уюшмалари боғи"да кузги дарахт экиш акцияси ташкил этилди. Акция доирасида бу майдонга яна 5 минг туп мевали дарахт кўчатлари экилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ушбу боғнинг келгусида гуркураб яшнаши учун Федерация томонидан ўтқазилган ниҳолларни томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинмоқда.

Тирикликнинг ёрқин ранглари акс этган мазкур боғ ҳудуд экологиясига ижобий таъсир қилиши билан бирга, нафақат Нурафшон шаҳри, балки вилоятнинг дилни яйратадиган масканларидан бирига айланиши, шубҳасиз.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Машинасозлик корхонасидан қолган бино нега «музлатилди»?



*Тўқсонни қоралаб қолган Маҳмуджон ота Деҳқонов йигирма йилга яқин ўз маҳалласида жойлашган заводда меҳнат қилган. Ўз даврида корхона кўпчиликни иш билан таъминлаган. Қишлоқдошлари рўзғорига барака киритган. Замона зайли билан унинг мулк шакли ўзгарди, бироқ ҳақиқий мулкдорни топмади чоғи, чўкса-чўкдики, ривожланиб кетмади. Бугун катта-катта цехларга эга заводдан якка-ёлғиз маъмурий биногина ёдгорлик бўлиб қолган. Беш йил аввал қулф осилган уч қаватли иншоотнинг олдидан ҳар гал ўтганида отахоннинг юраги эзилади.*

## Ечимини кутаётган муаммо

Шовон — Тўрақўрғон тумани марказидан йигирма чақирим масофада жойлашган чекка маҳалла. Кейинги пайтларда амалга оширилаётган ўзгаришларга қарамай, ушбу аҳоли масканида бир қатор муаммолар сақланиб қолаётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда. Ҳудудда битта умумтаълим мактаби, саноқли хусусий боғчалардан ташқари бирор ижтимоий муассаса йўқ. Бандликни таъминлаш масаласи, айниқса, эътиборга муҳтож аҳволда. Гарчи бу жойда расмий ишсизлар сони 30 нафар дея рўйхатга олинган бўлса-да, амалда доимий даромад манбаига эга бўлмаган фуқаролар бир неча баробар кўп. Хусусан, хорижга ризқ излаб кетган ёшлар кўплаб оилаларда учрайди. Баъзилар кундалик харажати учун маҳалла этагидан ўтган сой ёқасидаги норасмий бир кунлик иш топиш масканига чиқади. Аҳоли орасида "Мардикор бозори" деб ном олган бу жойда ҳар куни эрта тонгда юздан ортиқ одам тўпланади. Улар орасида ёш йигитлардан тортиб, тажрибали кишиларгача бор...

Муаммонинг илдизи 4300 дан ортиқ нуфусга эга маҳаллада меҳнат ўринлари, хусусан, кўпчиликни муқим иш билан таъминлай оладиган бирор жўяли корхона ёки жилла қурса, бирор ўн кишини банд этган тадбиркорлик субъектининг йўқлигида. Тўғри, ҳудудда фермер хўжалиги, иккита сартарошхона, бармоқ билан санарли савдо дўконлари, тегирмон, учта йирик цемент ғишт қуйиш шохобчаси, бошқа бир қатор якка тадбиркорлик тузилмалари бор. Уларда нари борса, юзга яқин киши кафолатли меҳнат ўрни билан банд. Қолганлар эса...



Савол туғилади, Шовонда, дейлик, кўп сонли ўринга эга ишлаб чиқариш корхонаси ёки улар филиалини ташкил этиш орқали муаммони юмшатишнинг имкони йўқми? Чор-атрофда тадбиркорлик ҳаракати авж олаётган замонда нега маҳаллага бирор бир янги саноат ўчоғи олиб кирилмади? Ваҳоланки, бу ерда бир пайтлар салкам 200 кишилик меҳнат жамоасига эга "Наманган қишлоқ хўжалик машиналари заводи" фаолият кўрсатган. Унинг рақамли технологик дастгоҳларга эга цехларида боғдорчилик соҳаси учун техника ва ускуналар ишлаб чиқарилган. Табиийки, маҳаллий аҳоли ўртасида машинасозлик соҳасида анчагина тажриба ҳам тўпланган эди. Бироқ корхонани хусусийлаштириш бўйича амалга оширилган қатор лойиҳалар кутилган натижани бермади. Бу орада корхона цехлари, ундаги ноёб ва қимматбаҳо технологик жиҳозлар номи тадбиркору мақсади ҳамённи қаппайтириш бўлган сохта ишбилармонлар томонидан сотиб юборилди. Бинолар ғишти, ҳатто, пойдеворларнинг цемент бўлакларигача пулланди. Ишлаб чиқариш тўхтади. Бугун ҳайҳотдай корхонадан битта уч қаватли идора биносигина қолган. У ҳам қарийб 10 — 15 йилдан бери тадбиркорлар томонидан қўлдан-қўлга ўтиб, уларга банк кредитини олиш учун гаров манбаи сифатида хизмат қилиб келмоқда, холос. Охирги мулкдор бундан беш йил аввал "Бу ерда катта тикувчилик корхонаси барпо қиламан", дея эгалик ҳуқуқини қўлга киритган эди. Гарчи хатти-ҳаракатини аҳоли астойдил қўллаб-қувватлашига қарамай ишончни оқламади. Бошланишига бинонинг бир қаватига дастгоҳлар ўрнатиб, 20 — 30 нафар хотин-қизни ишлатгандек кўриндию уч ой ўтмай фаолиятини тўхтатди.

— Бинони Наманган шаҳридаги "Лименур" масъулияти чекланган жамияти инвестиция киритиш ва иш ўринлари яратиш шарти билан сотиб олган эди, — дейди 2019 йилдан бери бу жойни қўриқлаб келаётган Абдужаббор Камолов. — Лекин тадбиркор Иброҳим Қ. лафзида турмади. У бинони гаровга қўйиб, "Агробанк"нинг Жомашўй бўлимидан каттагина кредит олган. Иши битиб, эшаги лойдан ўтиши билан ҳамма нарсасини йиғиштирганича келган жойига қайтиб кетди. Шундан буён иншоот ҳеч кимга фойдаси тегмасдан ҳувуллаб турибди.

Айтишларига қараганда, кредит қарздорлиги бартараф этилмагани учун мижоз ва банк ўртасидаги тортишувлар судгача бориб етганидан сўнг мулк молиявий муассаса тасарруфига ўтган. Банк бинони сотувга қўйган. Орадан бир неча йил ўтганига қарамай, уни сотиб оламан, деган талабгор чиқмаяпти. Баъзилари унинг сотиш қиймати юқорилигидан аниқ гап айтишмаётган кўринади. Бир гал ҳатто, венгриялик сармоядор ҳам келибди. Объект темир йўлга узоқлиги, бундан ташқари, табиий газ таъминоти йўқлиги учун кўнгли чопмаган. Тўғри, объект қайсидир талабгорга маъқул келмагандир. Лекин бу ерда ярим гектар атрофида бўш ҳовлиси билан 1800 квадрат метр фойдали майдонга эга замонавий бино турибди. Айтайлик, табиий газ йўқлиги сабаби келтирилаётган бўлса, мураккаб технологик ишловни талаб этмайдиган фаолият тури, масалан, пойабзалчилик, тикувчилик ёки миллий ҳунармандчиликнинг бошқа турига асосланган ишлаб чиқаришни ташкил қилса бўлади-ку! Бунинг учун амалий ҳаракат, ўз оёғи билан келадиган сармоядорни кутиб ўтирмасдан уни қидириб топиб, қизиқтириш керакмасми?

Бундан икки йил аввал вилоят ҳокимининг ОАВ ходимлари билан учрашувида ушбу бино масаласида савол йўллаганимизда вилоят раҳбари туман ҳокимлигига айни масала билан жиддийроқ шуғулланиш топшириғини берганди. Тўрақўрғондагилар бироз ҳаракатлангандек бўлишди, аксига олгандек барибир бинонинг "бахти очилмади".

— Иш бошлаганимга тўрт ой бўлди, — дейди айни пайтда туман ҳокимининг МФЙдаги ёрдамчиси Равшанбек Қосимов. — Бандлик, янги иш ўринлари яратиш биринчи даражали вазифамиз. Албатта, яқин вақтга мўлжаллаган режалар орасида собиқ "Намангансельмаш"нинг аросатдаги биносини ҳаракатга келтириш масаласи ҳам бор.

Одатда, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган бундай объектлар агар қарздор ўз вақтида тўлов қилмаган ҳолда сотувга чиқарилади. Харидорини топиши билан қарз ёпилади. Бино янги мулкдор, у орқали жамият манфаатларига хизмат қила бошлайди. Шовондаги фойдаланишга тайёр бино ҳамон "музлатилганича" қолмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Товарларни божхона муҳрлари остида ташишга рухсат бериш гувоҳномасини олиш бўйича ахборот тизими жорий этилади.**

■ Фестиваль

# Туркий адабиётнинг шеърият байрами

*Пойтахтимизда туркий давлатлар ижодкорларини ўзида жамлаган адабиёт байрами — XVI халқаро туркий шеърият фестивали бўлиб ўтмоқда.*

Тадбирда қардош ўлкалардан ташриф буюрган 40 дан ортиқ ёзувчи-шоирлар, ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлигига аъзо адабий ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилоятларда яшаб, ижод қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз қатнашмоқда.

Қайд этиш жоизки, мазкур халқаро анжуман 1992 йилдан буён ўтказиб келинади ва юртимизда илк бор ташкил этилмоқда. Шеърият байрами кенг жуғрофий маконда туркий адабиётнинг умумий тамойилларини яратиш, адабиёт аҳли ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, энг сара адабий асарларнинг туркий тилли мамлакатлар тилларига таржима қилинишини янада яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳар бир фестивалда ҳакамлар эътирофига сазовор бўлган ижодкорлар туркий тилли мамлакатларнинг таниқли шоир-ёзувчилари номидаги "Замонавий туркий адабиётнинг энг яхши шоири/ёзувчиси" деган мукофот билан тақдирланади. Шу пайтга қадар қатор ўзбек ижодкорлари ҳам мазкур мукофотга сазовор бўлишган.

Фестивалнинг илк кунида эрта тонгдан иштирокчилар "Янги Ўзбекистон" боғида бўлиб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйишди. Улар боғда сайру саёҳат қилиш билан бирга юртимизнинг уч минг йиллик тарихи билан янада яқиндан танишдилар. Шунингдек, Адиблар хиёбонига қилинган саёҳат ҳам уларда катта таассурот қолдирди. Мамлакатимизда ижодкорларни руҳлантириш, улар учун зарур барча шароит ҳамда имкониятларни яратиш, ёш ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг анжуманлар залида тадбирнинг тантанали очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда мутасаддилар, меҳмон ижодкорлар сўзга чиқиб, ушбу фестивалнинг аҳамияти ҳақида тўхталди, хусусан, адабиёт дилларни дилларга, элларни элларга боғлайдиган кўприк экани, бугун сўз санъати орқали халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Тадбир мушоирага уланди. Ижодкорлар ўз она тилида шеърларидан ўқиди. Муҳташам зални тўлдириб ўтирган қатнашчилар шеъриятнинг сирли оламига ғарқ бўлди. Якунда фаол иштирокчиларга сертификатлар топширилди. Шунингдек, 3 нафар иштирокчи шеърият байрамининг махсус мукофоти билан тақдирланди. Хусусан, бу галги мукофотлардан бири атоқли ўзбек адиби Ғафур Ғулом номи билан аталган.

Фестиваль доирасида бири-биридан қизиқарли адабий анжуманлар, давра суҳбатлари, мушоиралар, тақдимотлар, маърифий мулоқотлар ўтказилиши, юртимизнинг диққатга сазовор жойлари ва қадамжоларига саёҳатлар уюштирилиши режалаштирилган.

26 — 30 ноябрь кунлари бўлиб ўтаётган XVI халқаро туркий шеърият фестивали ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишида муҳим аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

## Сўз — тадбир иштирокчиларига



**Улуғбек ЭСДАУЛЕТ, ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлиги раиси, шоир:**

— Дунёда яқинлар, дўсту биродарлар дийдоридан ҳам яхшироқ ва мазмунлироқ нарса бўлмаса керак. Шу маънода, мазкур шеърият байрамини бири-бирини соғинган, талпинган туркий ўлкалар қалам соҳибларининг ижодий дийдорлашуви, десак, муболаға эмас.

Аждодларимиз асрий маънавий-маърифий, адабий ришталар билан ўзаро боғланган. Бу муштаракликни, илдизларимизнинг нақадар кўҳналигини халқларимизнинг улуғ ижодкорлари асарларида яққол кўриш мумкин. Бугун тарихан сақланиб келаётган қардошлик ришталари янги даврга қадам қўймоқда, бунда шундай адабий тадбирларнинг ўрни беқиёс, албатта.

Ўзбек ижодкорлари, оға-иниларимизга катта раҳмат. Уларнинг самимийлиги, меҳмондўстлиги, бағрикенглигига кўз тегмасин!

**Мусо Қозим АРИЖАН, Туркия Ёзарлар бирлиги раиси:**



— Туркий тилнинг улуғ шоири, маърифат ва маънавият хазинабони ҳазрат Алишер Навоий юртидаги шеърият байрамида иштирок этаётганимдан беҳад мамнунман ва ғурурланаман.

Шеърият — инсон қалбидаги туйғуларнинг энг гўзал ифодаси. Бугун бизни шеър ишқи, ижод қилиш ва дўстлашиш завқи бир жойга тўплагани, бир-биримизга юзма-юз қилгани, айниқса, аҳамиятли.

Халқаро миқёсда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев адабиёт, маънавият ва маърифат ҳомийси, эзгулик, тинчлик, омонлик тарафдори сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Бунга Тошкентда туриб, юртингиздаги адабий муҳит, ижодкорларга яратилаётган шароитлар билан танишиб, яна бир бор амин бўлдим.



**Нигор ОРИФ, шоир (Озарбайжон):**

— Ўзбекистонда илк бор бўлишим, бироқ тўғрисини айтаман, ўзимни бу ерда асло бегона ҳис қилаётганим йўқ. Ўзбек халқи меҳрию муҳаббати юзида балқиб турадиган, меҳмонга ўзгача иззат кўрсатадиган, худди юз йиллик қадрдонлардек суҳбатлашадиган инсонлари билан оламаро машҳур.

Албатта, ушбу шеърият байрами мамлакатларимиз ўртасидаги адабий алоқалар ривожи йўлида катта аҳамиятга молик, чунки у орқали бир-биримизни яқиндан танийmiz, ижодимизга қулоқ тутамиз, келажакдаги ҳамкорликлар борасида фикрлашамиз. Бу борадаги ишлар аллақачонлар бошланиб бўлган, дерсиз, бироқ ишонингки, энди у янада ривожланади, янги уфқлар сари юз тутади.

Насиб этса, Тошкентда ўтган дамларимиз, ушбу нуфузли анжуман берган ҳиссиётлар янги асарлар, шеъру достонларга илҳом бўлса не ажаб?! Зеро, ижодкор қалби меҳр кўрган жойини қўмсайверади, уни сўзга солади, қоғозга туширади. Адабиёт бизни ҳамиша бирлашишга даъват этади.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).**



# МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА: «ЯШИЛ» ЭНЕРГИЯНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ОДИМЛАРИ

*"Яшил" энергия Ўзбекистон учун углерод нейтраллигига эришишида муҳим йўналиш ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимиз минерал ресурсларга қарамликни камайтиришга фаол киришди. У технологик инновацияларни ривожлантирмоқда ва экологик барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлайдиган инфратузилмани яратишга интилмоқда.*

*Бугун мамлакатимиз хорижий ҳамкорлар ва компаниялар билан йирик "яшил" лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувга эришди. Хусусан, Бокуда имзоланган уч томонлама ҳужжат мамлакатимизга қайта тикланувчи энергияни Европа бозорларига узатиш имконини беради.*

**Нуқтаи назар**

## Уч мамлакат энерготизимлари бирлаштирилади



БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси (COP29)да сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қайта тикланувчи энергия иқтисодий мақсад эмас, балки келажакка қўшилаётган ҳисса, келгуси авлодлар олдидаги масъулият туйғусининг натижаси эканини таъкидлади. Лойиҳанинг экологик аҳамияти беқиёс. Узатиладиган энергия — бу шамол ва қуёш энергияси бўлиб, қайта тикланадиган ва тоза манба ҳисобланади ҳамда иқлимга таъсирни юмшатиш имконини беради. Асосийси, мамлакатларимиз қайта тикланувчи энергиянинг катта захираларига эга бўлиб, глобал энергетик ўзгаришларга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, "яшил" энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастур қабул қилинган. Мамлакатимизда ҳар йили 2 гигаваттга яқин қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилмоқда. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш бўйича 28 лойиҳа устида фаол иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, жорий йил охиригача тармоққа қўшимча 2,6 гигаватт қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш қувватлари ва 300 мегаваттли энергия сақлаш тизимлари уланади. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказиш, шунингдек, 4,2 гигаваттлик энергия сақлаш тизимларини яратиш режалаштирилган. Қозоғистон ва Озарбайжонда ҳам бу борада йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Лойиҳани ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштириш, жумладан, қўшма корхона ташкил қилиш, техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда келишиш ва бошқа тартиб-таомилларни амалга ошириш борасида ҳам келишиб олинди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон ўртасида имзоланган келишувнинг амалий натижалари уч мамлакат иқтисодиётини бирлаштирувчи "яшил кўприк" сифатида Ўрта йўлак ривожланишига кўмаклашади. Бу, биринчи навбатда, шамол ва қуёш электр энергиясининг ривожланишидир.

Лойиҳага кўра уч мамлакат ўзларининг энерготизимларини юқори вольтли кабель билан бирлаштиради. Уни Каспий денгизи туби бўйлаб ётқизишади. Бундай энергия интеграцияси яшил энергияни Европага экспорт қилиш имконини беради.

## «Яшил йўлак» қайта тикланадиган манбалар интеграциясида муҳим босқич

Бокуда COP29 конференцияси доирасида "Яшил йўлак" лойиҳасини амалга ошириш юзасидан қўшма корхона ташкил этиш бўйича ҳукуматлараро битим имзоландики, бу битим лойиҳани илгари суриш учун муҳим қадам бўлади, уни тезкорлик билан амалга оширишга замин яратиши кутилмоқда. Унга кўра техник-иқтисодий асосларни тайёрлаш учун CESI (Centro Elettrotecnico Sperimentale Italiano) консалтинг компаниясини жалб этиш режалаштирилмоқда. Бу жараён тахминан бир йил давом этади, шундан сўнг қурилиш ишлари бошланади.

> *Мамлакатимизда ҳар йили 2 гигаваттга яқин қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилмоқда. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш бўйича 28 лойиҳа устида фаол иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, жорий йил охиригача тармоққа қўшимча 2,6 гигаватт қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш қувватлари ва 300 мегаваттли энергия сақлаш тизимлари уланади.*

Ушбу "яшил" лойиҳани молиялаштиришга бир қанча халқаро молия институтлари ҳам қизиқиш билдирмоқда. Қурилиш тахминан 3-4 йил давом этиши кутилмоқда. Бундан ташқари, 2030 йилга бориб Ўзбекистоннинг Шимоли-Ғарбий минтақасида электр энергияси (шамол ва қуёш энергияси) ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва қувватлари тўлиқ тайёр бўлади. Ўзбекистон, Озарбайжон ва Қозоғистон қайта тикланадиган энергия манбаларини ўз энергия тизимларига интеграциялаш борасида сезиларли ютуқларга эришмоқчи. Бу уч давлат қайта тикланадиган энергия манбаларини Европага олиб кириш учун муҳим трансконтинентал саъй-ҳаракатларни бошлаётгани эксперт доираларда юқори баҳоланяпти. Ушбу ташаббус Ўзбекистоннинг, хусусан, шамол ва қуёш энергетикаси соҳасида ривожланаётган катта "яшил" ишлаб чиқариш салоҳиятидан ҳамда Қозоғистоннинг қайта тикланадиган энергиясидан Каспий денгизи, Озарбайжон, Грузия ва охир-оқибат Қора денгиз ва Руминия орқали Европага ўтказиш имкониятларидан фойдаланади.

Асосийси, ушбу ташаббус — учала мамлакатдаги даромадларни ошириш, иш ўринлари яратиш ва карбонат ангидрид чиқиндиларини сезиларли даражада камайтириш имконияти. Айни чоғда электр тармоқларини ўзаро боғлаш ресурслардан фойдаланишни соддалаштиради. Лойиҳада электр энергиясини узоқ масофаларга самарали узатишни таъминлайдиган юқори кучланишли тўғридан-тўғри ток (HVDC) технологияси қўлланилади. Сув ости HVDC кабели Европага электр энергиясини экспорт қилишда барқарор инфратузилмани яратишга хизмат қилади.

Хўш, ўзимизда электр қувватига талаб ортиб бораётган бир шароитда экспортни қандай амалга оширамиз? Гап шундаки, 2030 йилга бориб Ўзбекистонда электр энергияси истеъмоли 130 млрд. кВт/соатдан ошиши кутилмоқда. Бироқ қуёш ва шамол ресурсларидан олиниши кутилаётган ортиқча энергия экспорт учун етарли энергия беради. "Яшил йўлак" деб номланган ташаббус Марказий Осиёда энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ва қайта тикланадиган манбалар интеграциясида муҳим босқич бўлади.

## Минтақамиз мамлакатлари учун янги иқтисодий имкониятлар

Стратегик шериклик тўғрисидаги битимнинг имзолангани Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақаларининг уч томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим босқич бўлади. Ҳужжат мамлакатларимиз энергетика тизимларининг интеграциялашуви, шунингдек, Европа давлатлари ва бошқа бозорларга экологик тоза энергия етказиб берувчи ишончли йўлакларни шакллантириш учун янги имкониятларга йўл очади. Уч мамлакатнинг улкан салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда Қозоғистон, Ўзбекистон ва Озарбайжон биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан қитъани тоза, ишончли ва арзон энергия билан таъминлайди.

Шундай қилиб у Европа энергия мустақиллигининг локомотивига айланиши мумкин. Бугунги кунда ҳар учала давлат ҳам халқаро инвестицияларни жалб қилмоқда, "яшил" энергияни фаол ривожлантирмоқда, қуёш ва шамол энергиясини жорий этмоқда. Лойиҳада қатнашиш Марказий Осиё мамлакатларига иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича глобал саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшиш имконини ҳам беради. Буларнинг барчаси Париж келишуви мақсадларига ва бошқа халқаро экологик мажбуриятларга мос келади.

Бундан ташқари, бугунги кунда халқаро молия институтлари қайта тикланадиган энергия манбаларига оид лойиҳаларга сармоя киритишга тайёр. Бу Марказий Осиё мамлакатлари учун энергия тизимлари ва инфратузилмасини ривожлантиришга капитал жалб қилиш имкониятларини очади. Шунингдек, бу Марказий Осиё мамлакатлари учун янги иқтисодий имкониятлар, жумладан, хорижий сармоя ва технологияларни жалб этиш имконияти ҳамдир. Қолаверса, Европа бозорлари билан интеграция Марказий Осиё мамлакатларига энергия тизимлари барқарорлигини оширишга ёрдам беради. Бу борада барча иштирокчилар томонидан мавжуд ички инфратузилмани ва савдо кўламини кенгайтириш, экологик тоза энергия манбаларидан Европага электр энергияси етказиб бериш учун янги коммуникация тармоқларини ривожлантиришга келишиб олинди.

Эътиборга молик жиҳат — Европа давлатлари "Қора денгиз сув ости электр тақсимлаш тармоғи" лойиҳасига уланиш билан боғлиқ техник ва молиявий масалаларни ўрганиш бўйича ҳамкорликда ишлашга қизиқиш билдирди. Асосийси, Қозоғистон, Озарбайжон ва Ўзбекистон энергетика тизимлари ҳозирда янги чақириқларга мослашиш ва барқарор ривожланишга қаратилган модернизация жараёнида. Битим доирасида мамлакатлар инфратузилмани биргаликда ривожлантиришни кучайтиришни режалаштирмоқда, бу эса яшил энергия экспорти ва транзити учун ишончли каналларни топиш имконини беради. Шундай қилиб, ушбу келишув нафақат Европанинг энергия манбаларини диверсификация қилиш, балки иштирокчи давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни яхшилаш имконини беради.

**Мамарасул ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси мудири, PhD., доцент.**

РЕКЛАМА

**YUNUS RAJABIY NOMIDAGI O‘ZBEK MILLIY MUSIQA SAN’ATI INSTITUTI**

**quyidagi kafedralar bo‘yicha lavozimlarga tanlov e’lon qiladi:**

- Maqom cholg‘u ijrochiligi kafedrasi — katta o‘qituvchi (4), dotsent (1), professor (1);
- Maqom xonandaligi kafedrasi — katta o‘qituvchi (2), dotsent (2), professor (2);
- Doston ijrochiligi kafedrasi — katta o‘qituvchi (2);
- Bastakorlik, kompozitorlik va umumiy fortepiano kafedrasi — katta o‘qituvchi (3);
- Vokal va cholg‘u pedagoglari tayyorlash kafedrasi — katta o‘qituvchi (5), dotsent (2);
- O‘zbek maqomi tarixi va nazariyasi — o‘qituvchi (2), katta o‘qituvchi (1), dotsent (1);
- Tillar, ijtimoiy-gumanitar fanlar va jismoniy madaniyat kafedrasi — katta o‘qituvchi (2).

**Tanlovda ishtirok etish uchun da’vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:**

- rektor nomiga ariza;
- xodimlar shaxsiy varaqasi;
- oliy ma’lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqida diplom va attestatlarning nusxalari;
- o‘quv-uslubiy, ilmiy-tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari ro‘yxati;
- mutaxassislik bo‘yicha oxirgi uch o‘quv yilida malaka oshirganligi to‘g‘risidagi guvohnoma va sertifikatlar nusxasi.

Arizalar e’lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida Yunus Rajabiy nomidagi O‘zbek milliy musiqa san’ati institutining xodimlar bo‘limi tomonidan qabul qilinadi.

**Manzil: Toshkent shahri, Mustaqillik shohko‘chasi, 31-uy.**
**Yunus Rajabiy nomidagi O‘zbek milliy musiqa san’ati instituti.**
**Telefon: 71-237-35-75, 90-976-12-29.**

**«Ипак Йўли» АИТБ раҳбарияти ва ходимларига ихтиёрий тиббий суғурта шартномасини тузиш учун суғурта ташкилотлари орасида танлов ўтказилишини маълум қилади**

"Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки ихтиёрий тиббий суғурта қилиш бўйича шартнома тузиш мақсадида суғурта ташкилотлари орасида танлов ўтказилиши ҳақида маълум қилади.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

Индекс: 100017.Тошкент шаҳри,
Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй.

Танлов таклифларини қабул қилишнинг сўнгги куни 2024 йил 13 декабрь соат 12:00 гача.

**Мурожаат учун телефонлар: 78-140-69-39, 78-140-69-00 (ички: 1258).**
**Масъул ходим:** Алексей Тен.
**E-mail:** a.ten@ipakyulibank.uz

**Мамлакатимизда тажрибали дирижёрлар ва оркестр ижрочиларининг маҳорат мактаблари фаолияти йўлга қўйилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.13 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6